

Яхши ва ёмон сўзнинг мисоли



19:14 / 12.03.2018 5801

Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса осмонда.

Роббининг изни ила ҳар доим меваларини бериб турадир. Аллоҳ, шояд, эсласалар деб, одамларга мисоллар келтирадир.

Яхши сўз, ҳақ сўз иймон сўзидир. У сўзни Аллоҳ таоло яхши, соғлом бир дарахтга ўхшатмоқда:

«Аллоҳ яхши сўзга қандай мисол келтирганини кўрмайсанми? У худди бир яхши дарахтга ўхшайдир. Унинг асли собит турадир. Шохлари эса осмонда».

Ҳа, бу дарахтнинг асли собитдир. Унинг томирлари ерга чуқур илдиз отгани учун мустаҳкамдир. Турли шамоллар, бўронлар ва бошқа омиллар уни жойидан қимирлата олмайди. Айна чоғда, бу дарахтнинг шохлари осмонда, юксакликдадир.

«Роббининг изни ила ҳар доим меваларини бериб турадир».

У доимо мева бериб туради. Иймон ҳам худди шу яхши дарахтга ўхшайди. Асли мустаҳкам. Ҳеч нарсадан таъсирланмайди. Мартабаси олий. Доимо самарасини ҳам бериб туради.

«Аллоҳ, шояд, эсласалар деб, одамларга мисоллар келтирадир».

Мазкур яхши сўзнинг акси бўлмиш

Ёмон сўзнинг мисоли худди ёмон дарахтга ўхшайдир. У ердан узилиб қолган, унинг қарори йўқдир.

Ёмон сўз, ботил сўз куфр сўздир. У илдизи ердан узилган, қўпорилган, беқарор бир дарахтга ўхшайди. Сурати, шакли дарахтни эслатади. Аммо унинг на ерга чуқур илдиз отган томири, на осмонга кўтарилган шохлари ва на меваси бор. Шунга ўхшаб, куфрнинг ҳам асли мустаҳкам эмас. Сал нарсага қулайди. Мақташга арзимади. Берадиган самараси ҳам йўқ.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)